

I. САНОАТ


Жорий йилнинг январь-март ойларида саноат ишлаб-чиқариш ҳажми 1006,8 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,6 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 523,1 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган ҳажмга нисбатан 102,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, 254,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 7,5 млрд. сўмлик ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво маҳсулотлари, 261,5 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2017 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 102,7 фоиз, 98,8 фоиз ва 102,3 фоиз ўсиш суръатлари билан) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқарishни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-март ойларида 204,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)




- █ Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери маҳсулотлар ишлаб чиқариш
- █ Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
- █ Бошқалар
- █ Ёғоч ва пўқак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш
- █ Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш

**2018 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат
маҳсулотлари ишлаб чиқариш**


	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсии суръати, фоиз</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	1006,8	105,6
Саноат турларини ишлаб чиқариш	934,4	104,7
<i>ундан:</i>		
Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	261,0	100,9
Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	418,3	107,3
Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, қофоз ва қофоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш	38,8	102,5
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,7	105,9
Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	33,6	105,1
Электр жихозлар ишлаб чиқариш	36,4	101,1
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	44,4	104,5
Металлургия саноати	5,2	106,8
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш, машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	47,7	105,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	51,3	111,9
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	17,4	145,8
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	523,1	102,5
<i>шу жумладан:</i>		
озиқ-овқат товарлари	261,6	102,5
ноозиқ-овқат товарлари	261,5	102,3

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
 (жами истеъмол товарлари ишлаб чиқарии хажмига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-март



2018 йил январь-март



- **Ноозик-овқат**
- **Озиқ-овқат**

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти турлари (йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-март	2017 йил январь-марта га нисбатан %
--	---------------	----------------------	-------------------------------------

Қайта ишлаш саноати

Кум ишлаб чиқариш	тн	-	-
Шагал ишлаб чиқариш	тн	-	-
Гравий ишлаб чиқариш	тн	12700	-
Пахта толаси	тн	74204,0	97,6
Пахта чигити	тн	37930	98,4
Пахта тивити (линт)	тн	1585	105,9
Тайёр шойи газламалар ишлаб чиқариш	минг м ²	17,8	3,0 м
Омухта ем ишлаб чиқариш	тн	17629,0	93,2

	Үлчөв бирлиги	2018 йил январь-март	2017 й январь-маргат нисбатан %
Кунжара ишлаб чиқариш	тн	24248,0	121,0
Соапсток ишлаб чиқариш	тн	808,0	167,3
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	тн	369,7	29,3
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	тн	28186,0	97,2
Йирик шохли қорамол, чўчқа, қўй, эчки, отсимонлар оиласига кирувчи хайвонлар гўшти, янги сўйилган ёки совитилган	тн	0,3	100,0
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракция- лари (кимёвий модификация қилин- ганларидан ташқари)	тн	5335	108,8
Ишлов берилган суюқ сут	тн	2,8	93,3
Минерал сув ишлаб чиқариш	минг. л.	25471,0	81,2
Узум виноси	минг. л.	442,6	145,6
Ароқ	минг.л.	320,1	88,9

2018 йил январь-март ойларида саноат моллари ишлаб чиқариш ҳажми жами 105,6 фоизга ва шундан, йирик корхоналар 106,3 фоизга, кичик корхоналар ва микрофирмалар 105,6 фоизга, ёрдамчи саноат корхоналари 108,9 фоизга ўсиш суръатлари билан амалга оширилган бўлиб, якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва уй хўжалиги 100,2 фоизга бажарилди.

2018 йилнинг январь-март ойларида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми жами 102,5 фоизга ва шундан, йирик корхоналар томонидан 98,5 фоизга, кичик корхоналар ва микрофирмалар 104,5 фоизга, ёрдамчи саноат корхоналари 103,2 фоизга, якка тартибдаги меҳнат фаолияти 100,7 фоизга ўсиш суръатлари билан амалга оширилган бўлиб, уй хўжаликлари томонидан 103,2 фоизга бажарилди.